

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РОЛИ

Сафаров Дилмурод-

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти магистранти

Аннотация: Мақолада камбағалликни қисқартиришда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг роли очиқ берилган. Ўзбекистонда камбағаллик ва унинг ижтимоий оқибатларидан азият чекувчи қатламларнинг турмуш даражасини ошириш ва барқарор ҳаёт шарт-шароитлар билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсати ёритилган. Камбағалликни қисқартириш ишсизлик, кам таъминланганлик каби омиллар билан узвий боғлиқликда кечувчи жараён сифатида тавсифланган.

Калит сўзлар: камбағаллик, турмуш даражаси, глобал тараққиёт, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, истеъмол саватчаси, яшаш минимуми, ўсиш нуқталари, ишсизлик, кам таъминланганлик, давлат дастури.

THE ROLE OF PRIVATE ENTREPRENEURSHIP AND SMALL BUSINESS IN UZBEKISTAN

Safarov Dilmurod-

Master student of the Institute of Karshi-engineering economics

Annotation: The role of private entrepreneurship and small business in poverty reduction is revealed. Analyzed the state policy to improve the standard of living and to ensure stable living conditions for people suffering from poverty and its social consequences. The essence of poverty is revealed as a process of a closely interconnected process with such social risks as unemployment, low security.

Key words: poverty, standard of living, global development, private entrepreneurship, small business, consumer basket, subsistence minimum, growth point, unemployment, low income, government program.

Қириш. Замонавий жамиятларда камбағаллик – бу кўп қиррали мураккаб муаммо бўлиб, унинг сабаб ва оқибатлари биргина миллий давлатлар доираси билан чекланмайди. Камбағаллик ва унинг ижтимоий оқибатларидан азият чекувчи қатламларнинг турмуш даражасини ошириш ва барқарор ҳаёт шарт-шароитлар билан таъминлаш борасидаги саъий-ҳаракатлар дунё ҳамжамияти диққат марказидаги долзарб масала бўлиб келмоқда.

Шиддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида аҳолининг муайян қатламлари орасида камбағаллик даражаси ошиб бормоқда. Дунё аҳолисининг 10% (700 млн.) Африка ва Осиё давлатлари аҳолисини ташкил қилади. Улардан 17.2% қишлоқ аҳолисини ташкил қилмоқда. Меҳнат қилаётган аҳолининг иш

билан бандлигини таъминлаш ҳам қашшоқликни буткул бартараф эта олмаётгани, 8% ишловчи аҳоли қашшоқликда кун кечираётганлиги билан исботланди[1]. БМТнинг Бош Ассамблеясининг 2015 йилда “Барқарор тараққиёт соҳасидаги Мақсадлар” қабул қилиниб янги минг йиллик остонасида турган дунёда тинчлик, фаровон ҳаёт ва адолат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадларини илгари сурди. Ушбу Декларациянинг бош мақсади 2030 йилгача “қашшоқликнинг барча кўринишларини секин-аста бартараф қилиб бориш” назарда тутилган[2]. Дунёда 2020 йилгача эса ноқобил ва иқтисодий қолоқ аҳоли пунктларида яшаётган 100 миллиондан ортиқ кишилар ҳаётини сезиларли тарзда яхшилаш чораларига старт берилди[3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Жаҳон тажрибасини кўрсатишича, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини яратади. Йирик корхоналар учун айрим зарурий ва бутловчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, янги товар ва хизматлар турларини оширишда, товарлар ишалаб чиқариш харажатларини камайтиришда, рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишалб чиқариш ҳажмини оширишдаги роли ошиб бормоқда. Биргина АҚШда сўнгги ўн йилликларда амалга оширилган инновацияларнинг 55% айнан кичик бизнес соҳасида яратилди[4]. Шу сабабли иқтисодчи олим Л.Гуров фикрича, кичик бизнес иқтисодий ўсиш суръатларини белгилайди, моддий, молиявий ва кадрлар ресурсларини самарали тақсимланишига ёрдам беради, иш ўринларини вужудга келтиради, янги иш жойларини ташкил этишда йирик корхоналарга қараганда анча кам харажат талаб қилади[5]. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг фойда солиғидан озод этилганлиги, уларга кредит ва молиявий ёрдамларнинг имтиёзли тарзда амалга оширилаётганлиги, бунда илмий-техникавий потенциалдан фойдаланиш орқали эришилди.

Ўзбекистонда турли ҳисоб-китобларга кўра, камабағаллик даражасида бўлганлар мамлакатимиз жами аҳолисининг тахминан 12-15 фоизини, яъни, 4-5 млн. кишини ташкил этмоқда. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмайди. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта [ташкил этилди](#)[6].

Тадқиқот методологияси. Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида мамлакатда камбағалликни қисқартиришда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг роли ошириш, камбағаллик мезонини аниқлаш орқали аҳоли

бандилигини таъминлашнинг янги йўналишлари ва киск бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолият кўрсатувчи корхоналарини ташкил этишдаги бугунги кундаги ҳолати, келгусида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, уларнинг даромадлари ўсишини ва харид қилиш қобилиятини оширишни таъминлаш мақсадида аҳолининг ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар бир маҳалла кесимида ўрганилиб, уларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш чоралари ривожлантириш масалалари келтирилган. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантикий фикрлаш, гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, танланма кузатиш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Камбағаллик мезонини аниқлаш учун эса, аввало, “истеъмол саватчаси”нинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш талаб этилади. Кўмак пуллари ва пенсия миқдорини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган “истеъмол саватчаси” ва “яшаш минимуми”ни белгилаш ва жорий этиш, ривожланган тараққиёт шароитида ҳар бир давлат ички сиёсатининг асосида ётувчи ушбу индексларнинг мамлакатимизга хос кўрсаткичлари ва меъёрларига аниқлик киритиш ҳаётий заруратга айланди. Маълумки, аҳоли турмуш даражасини аниқлашда “истеъмол саватчаси” тушунчасидан яъни муайян истеъмол даражасини таъминловчи товарлар ва хизматлар мажмуидан фойдаланилади. Халқаро амалиётда аҳоли яшаш минимумини ҳисоблашнинг статистик, социологик, ресурс, норматив усуллари бор. Яшаш минимуми энг кичик миқдори таркиби турли давлатларда турлича қилиб белгиланган. Масалан, АҚШда “истеъмол саватчаси”га 300 номдаги, Германияда 475 номдаги, Англияда 350 номдаги, Россияда 156 номдаги товар ва хизматлар киритилган. “Истеъмол саватчаси”ни учта асосий таркибий қисм – озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ва хизматларга ажратиш мумкин. Ундаги озиқ-овқатлар миқдори улуши аҳолининг турмуш даражаси қай даражада эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми “истеъмол саватчаси”да озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши зиёд. Худди шуни баргараф этиш ва “истеъмол саватчаси”да ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлари миқдорини ошириш мақсадида ижро ҳокимияти олдига бир қатор вазифалар қўйилди. Бунда, асосий эътибор аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, мавжуд имкониятдан самарали фойдаланишга қаратилди. Худди шу мақсадда аҳоли даромадини оширишнинг энг самарали йўли – бу фуқароларни боқимандалик кайфиятидан холос этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтиришдан иборат бўлиши лозим.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда мақсадли дастурлар ишлаб чиқишда. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, уларнинг даромадлари ўсишини ва харид қилиш қобилиятини оширишни таъминлаш мақсадида аҳолининг ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар бир маҳалла кесимида ўрганилиб, уларда

тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш чоралари ривожлантирилади. Ҳозирги кунда мамлакатда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқорилигича қолаётганлиги аниқланди[7].

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида маҳалла фаоллари ҳар куни битта маҳаллага чиққан ҳолда камида ўн та хонадонга шахсан ташриф буюриб, мавжуд ҳолатни ҳоким ёрдамчилари билан бирга ўрганмоқда. Аҳолига амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўришмоқда. Ҳоким ёрдамчилари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилаб, хонадонбай рўйхат асосида ҳар бир маҳалла кесимида ҳақиқий ижтимоий вазиятни аниқлайди ҳамда ойма-ой амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

Ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқтаси”дан келиб чиқиб, етакчи тадбиркорлар ва ҳоким ёрдамчилари таклиф этаётган янги лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашади, маҳаллаларда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган хизматлар турларини ривожлантиради. Аҳолини, биринчи навбатда ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш ишларини ташкил қилади. Аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсатга қарамасдан, амалда ёшларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш, бошланғич тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларини ўз вақтида ўрганиш ва бартараф қилиш соҳасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

- аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этиш, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилиш;

- тадбиркорлик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган аҳолини ва бошқа кичик бизнес вакиллари салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали улар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган тўлақонли тизимни яратиш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизимни ташкил

этиш ва ягона давлат ташкилоти томонидан амалга оширилишини ва мувофиқлаштириб борилишини йўлга қўйиш.

Бугунги кунда 2021-2030 йилларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси ишлаб чиқилиб мазкур стратегия икки босқичда – қиска ва ўрта (2021-2025 йй.) ҳамда узоқ (2026-2030 йй.) муддатларда амалга оширилиши белгиланмоқда. Ушбу босқичларда назарда тутилган масалалар доирасида қуйидаги мақсадли индикаторларга эришиш белгиланган:

- камбағал аҳолининг иш билан бандлигига тўлиқ эришиш, бунда босқичма-босқич ошириш орқали йилига 100 мингдан ортиқ эҳтиёжманд ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган фуқаролар учун иш ўринларини квоталаш;

- ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган камбағал аҳоли қатламларининг 50 минг нафарини рўйхатга олиш, фаолиятини бошлаш, меҳнат қуроллари сотиб олиши ва бошқа мақсадлар учун субсидиялар ажратиш;

- камбағал аҳоли қатламини касб-хунар, хорижий тил ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ҳамда танлаган йўналиши бўйича микрокредитлар ажратиш орқали фаолиятини бошлаши ёрдамида 50 минг нафар камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш.

Шунингдек, юқоридаги барча чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш орқали 2030 йилга бориб камбағаллик даражасини икки баробарга қисқартиришга эришиш назарда тутилмоқда. Стратегияда, жумладан, камбағал аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан 100 фоиз бепул фойдаланишига имконият яратиш масаласи ҳам ўрин олган.

Хулоса ва таклифлар. Демак, замонавий тараққиёт шароитида дунё аҳолисининг катта қисми камбағалликнинг ўта оғир даражаси саналган қашшоқликда ҳатто, инсон организмнинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун зарурий озиқ-овқат захиралари ва даромад манбаининг кескин танқислиги шароитида кун кечирмоқдалар. Қашшоқлик даражаси озиқ-овқат ва ичимлик суви хавфсизлиги даражасидаги ҳаётий зарур захираларнинг кескин танқислигини шакллантирмоқда. Ушбу муаммолар ўз ўрнида, таълим, соғлиқни сақлаш каби хизматлардан фойлана олмаслик, ижтимоий таҳқирловчи муносабат ва жамият ҳаётидан узилганлик каби ижтимоий муаммолар кўламини кенгайтирмоқда.

Агар камбағал қатламнинг ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш имкониятлари кенгайтирилса, бу уларнинг ишчилар ёки тадбиркорлар сифатида иқтисодий ўсиш жараёнларидаги иштирокини ҳам таъминлайди. Бунинг учун аввало, зарур билим ва кўникмалар етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш жоиз.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришда хорижий тажрибага таяниш ўринли. Бунда, айниқса, инклюзив бизнес моделларини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади. Камбағалликни қисқартириш йўналишида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда Хитой тажрибасидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мир, достоинство и равенство на здоровой планете. Ликвидация нищеты. ООН // <https://www.un.org/ru/global-issues/ending-poverty>
2. Глобальная борьба с бедностью: опыт зарубежных стран // <https://review.uz/post/globalnaya-borba-s-bednostyu>. Декларация тысячелетия Организации Объединённых Наций. Принята [резолюцией 55/2](#) Генеральной Ассамблеи от 8 сентября 2000 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summitdecl.shtml
3. Мировые тенденции развития предпринимательской деятельности в экономике зарубежных стран. <https://articlekz.com/article/15307>
4. Гуров Л. Кичик тадбиркорликнинг янги имкониятлари// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент. 1999. №7. – Б. 32.
5. [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сонли Қарори.](#)
6. Тадбиркорликни ривожлантириш ва касбга ўқитиш орқали камбағалликни камайтириш чоралари белгиланди. <https://xs.uz/uzkr/post/tadbirkorlikni-rivozhlantirish-va-kasbga-tajyorlash-orqali-kambagallikni-kamajtirish-choralari-belgilandi>
7. <https://uznews.uz/uz/article/29424/>